

ШЕКСПИР АСАРИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕАТРИДАГИ ТАЛҚИНИ

Дарушова Дариха Кадирниязовна
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Нукус филиали ўқитувчиси
darushovadarixa@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган В.Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” спектаклининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз бўлади.

Калит сўзлар: театр, драматург, актёр, режиссёр, спектакль, ижодкор, репертуар, декорация.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ШЕКСПИРА В ТЕАТРЕ КАРАКАЛПАКА

Дарушова Дариха Кадырниязовна
Государственный институт искусства и культуры Узбекистана
Преподаватель Нукусского филиала
darushovadarixa@gmail.com

Аннотация: В этой статье рассказывается о спектакле В.Шекспира "Ромео и Джульетта" поставленном в Каракалпакском государственном театре юного зрителя.

Ключевые слова: драматург, театр, актёр, режиссёр, спектакль, создатель, репертур, декорация.

INTERPRETATION OF SHAKESPEARE'S WORK IN THE KARAKALPAK THEATER

Darushova Darikha Kadirniyazovna

Teacher of the Uzbek State Institute of Arts and Culture

Nukus Branch

darushovadarixa@gmail.com

Annotation: *This article discusses V. Shakespeare's play "Romeo and Juliet" staged at the Karakalpak State Youth Theatre.*

Keywords: *theater, playwright, actor, director, play, creator, repertoire, decoration.*

Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри 2021 йилда жаҳонга машҳур инглиз драматурги В.Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» асарини сахналаштириб, томошабинлар эътиборига тақдим этди. Рус шоири Борис Пастернак таржимасидан қорақалпоқ шоири Узақбай Пиржанов қорақалпоқ тилига таржима қилди. Мазкур сахна асарни режиссёр Аман Қудайназаров сахналаштирди. Дунёга машҳур бўлган «Ромео ва Жульетта»нинг қорақалпоқ тилида сахнага қўйилиши томошабинлар томонидан илиқ кутиб олди.

Спектакли бошланиши билан томошабинлар гуё трагедиядаги Верона шахрининг ичига тушиб қолгандай бўлди. Театрнинг бош рассоми Т.Шардеметов томонидан ишланган декорация Италия кўчаларига ҳос муҳитни акс эттирди. Театр дизайнери М.Торемуратова чизган эскизлар ва ушбу эскизлар бўйича тигилган театр либослари декорация билан уйғунлашиб спектаклнинг таъсир даражасини ортиришга хизмат қилди.

Шекспир асарларидан бири қорақалпоқ театрида аввал ҳам сахналаштирилган. Яъни, драматургнинг «Отелло» трагедияси 1970 йили ҳозирги Бердақ номидаги академик мусиқали театрида жонланган. Орадан ярим аср ўтиб, қорақалпоқ театрида инглиз драматургининг яна бир асари қорақалпоқ тилида сахна юзини кўрди.

Ромео ва Жульеттанинг муҳаббат тарихини кўпчилик китобларда ўқиган ёки киноларда кўрган бўлиши мумкин, лекин улар орасидаги севги қиссаси ва оилалари орасидаги конфликтларнинг сахнада жонли талқин этилиши асарнинг таъсир даражасини орттириши табиий.

Спектаклнинг муваффақиятли чиқишида ижодий жамоанинг ҳамжиҳатлиги билан бирга, спектаклнинг муаллифи режиссёрнинг ҳам маҳорати кўзга ташланади. Режиссёр Аман Қудайназаров персонажлар характериға мос актёрларни саралаб олган. Ромео ролини театрнинг умидли актёри Расу Тлемисов, Жульеттани театр актрисаси И.Сарсенбаева ижро этди. Бир-бириға қарши оила вакиллари Монтекки ролини Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Ж.Абдимов ва Капулетти ролини актёр Р.Уразбаевлар, уларнинг хонимлари Монтекки хоним – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Л.Халқназарова, Капулетти хоним – Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист А.Науризовалар моҳирлик билан ижро этди. Князь ролини ижро этган актёр С.Арзиев икки картинада кўриниш берган бўлса ҳам у князьларға хос характери очиб бера олган. Монах Лоренцо образини яратган актёр Ж.Бердибеков ҳам ўз ролини аъло даражада ижро этиб, руҳонийларға хос босиқлик, икки тарафға ҳам адолатли бўлиш каби фазилатларини кўрсатиб бера олди. Шунингдек, икки ёшнинг бахтли бўлишлари учун у ўз жонини ҳатарға қўйиб булса ҳам ҳаракат қилиши ҳадик ила ўтирган томошабинларға қандайдир умид учқунларини улашгандек бўлади. Спектакльда рол ижро этган барча актёр-актрисаларнинг ижро маҳоратларига қараб улар ўзларига берилган роллари устида кўп ишлаганини англаш мумкин. Айниқса, хизматкор Пётр ролидаги

П.Келимбетов, Тибальт ролидаги Д.Байназаров ва Меркуцио ролидаги И.Бегжановлар ўз қаҳрамонларининг характерларини тўлиқ кўрсатиб берди.

Катта кўламдаги асарда сўз этиладиган воқеаликни 1соат 40 дақиқалик спектакльга мужассам этиш режиссёрдан изланувчанликни, меҳнатни талаб қилган бўлиши тайин, лекин спектакльда муаллиф тасвирлаганидек воқеага кириш, конфликтнинг юзага келиши, кульминацион нуқта, воқеанинг ечими ва эпилог каби композицион қурилишнинг мавжудлигин кўришимиз мумкин. Муҳими эса, муаллифнинг ғоясининг томошабинларга бус-бутун етиб боришида.

«Ромео ва Жулетта» трагедиясини бир вақтлари Европа мамлакатларида сахнага олиб чиқиш таъқиқланганлиги, бизга маълум. Фожеа билан якун топган муҳаббат қиссаси ёш томошабинларга салбий таъсир кўрсатган. Албатта, шу каби фожеа билан якун топган асарни сахнага олиб чиқишда режиссёр зиммасига оғир юкни ортиб қўяди. Режиссёр муаллиф ғоясини томошабинга етказишда ҳатога йўл қуйса, юқоридаги каби ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Аслида, бош ғоя бир-бирларига қарши вакиллар Монтекки ва Капулеттиларнинг қилмишлари ва унинг натижасини кўрсатиш мисолида томошабинларни тарбиялаш, руҳан поклаш ҳисобланади. Бир қариш ботқоқлик ерга талашган ва шу сабабли пайдо бўлган низоларни ўз вақтида тўхтатмаслиги икки оила фарзандларининг нобут бўлишига олиб келганлигини сабоқ қилиб кўрсатишдан иборат.

Режиссёр А.Қудайназаровнинг бу катта асарни сахналаштиришига узоқ вақт сарфлади. Спектаклни кўриб, унда янгича режиссёрлик топилмаларнинг борлигига гувоҳ бўламиз. Князнинг сахнадан эмас, томоша

залидан кириб келиши, икки оила вакилларининг ҳам томоша залида ўйинни давом эттиришлари, шунингдек, спектакл сўнггида қазо топган Ромео ва Жульеттанинг нариги дунёда бирга бўлишларини рамзий маънода кўрсатиб берди. Яъни, улар сахнадан тушиб, томошабинлар орасидан бахтиёр кайфиятда юриб ўтди ва зални шу тариқа тарк этадилар.

Хулоса ўрнида, режиссёрлик топилмалар билан бирга спектакльнинг яратилишида ҳиссалари бўлган сахна орти ходимлари – тикув цехи, гримёрлар, декоратор ва бутафорлар, костюмерлар, сахна усталари, чироқчи ва овоз операторларининг ҳам меҳнатлари катта эканлигини айтиб ўтиш ўринли. Театр жамоасининг доимо изланувда бўлиши, ҳар ишга ижодкорона ёндашишлари ва креатив қарашлари билан «Ромео ва Жульетта» спектакли бугунги кунда театр репертуаридан жой олиб, энг кассабоп спектаклларнинг бирига айланди дея ишонч билан айта оламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ансатбаев Н. Театр ва актёр, дарслик. 2020.141-154 б.
2. Арасту. Поэтика. – Т: Янги аср авлоди, 2012. 45-б.
3. Асарнинг асл нусхаси.
4. Исмаилов, Ажинияз. "ҚОРАКЎЗ-ҚОЗОҚ ЖУЛЬЕТТАСИ." Oriental Art and Culture 5.3 (2024): 617-623.
5. Исмаилов, Ажинияз. "«ҚИРОЛ ЛИР» НИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ." Journal of Culture and Art 1.3 (2023): 69-74.

6. Исмайлов, Ажинияз Есбергенович. "«УСТОЗ ТАҚДИРИ» СПЕКТАКЛИДА ЗАМОНДОШ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ." *GOLDEN BRAIN* 1.13 (2023): 161-167.

7. Darushova, Darixa Kadirniyazovna. "YOSH REJISSYORNING YANGI TALQINDAGI SPEKTAKLI." *Oriental Art and Culture* 5.6 (2024): 656-658.

8. Дарушова, Д. (2024). САҲНАДА – ҚУШЛАРНИ КУТГАН БОЛАЛАР. *Talqin Va Tadqiqotlar*. извлечено от <https://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/2469>.